

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
КОНУНИ
30.04.2004 й.
N 617-II**

Хужжатнинг рус тилидаги
матнига каранг

**СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИ
МОЛИЯЛАШТИРИШ ТҮГРИСИДА**

- I. Умумий коидалар (1-6-моддалар)
- II. Сиёсий партияларни давлат томонидан
молиялаштириш (7-11-моддалар)
- III. Сиёсий партияларга бериладиган
хайрия ёрдами (12-15-моддалар)
- IV. Молиявий ва бошка маблагларнинг келиб тушиши
хамда сиёсий партияларнинг улардан белгиланган
максадда фойдаланиши устидан назорат (16-18-моддалар)
- V. Якунловчи коидалар (19-21-моддалар)

I. УМУМИЙ КОИДАЛАР

- 1-модда. Ушбу Конуннинг максади
- 2-модда. Сиёсий партияларни молиялаштириш
түгрисидаги конун хужжатлари
- 3-модда. Сиёсий партияларни молиялаштириш манбалари
- 4-модда. Сиёсий партияларни молиялаштиришнинг
асосий принциплари
- 5-модда. Сиёсий партияларни молиялаштириш
түгрисидаги маълумотларнинг барча учун очиклиги
- 6-модда. Сиёсий партияларнинг молиявий ва бошка
маблаглардан белгиланган максадда фойдаланиши

1-модда. Ушбу Конуннинг максади

Ушбу Конуннинг максади сиёсий партияларни молиялаштириш соҳасидаги
муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Сиёсий партияларни молиялаштириш
түгрисидаги конун хужжатлари**

Сиёсий партияларни молиялаштириш тўгрисидаги конун хужжатлари ушбу Конун, "Сиёсий партиялар тўгрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конуни ва бошка конун хужжатларидан иборатдир.

3-модда. Сиёсий партияларни молиялаштириш манбалари

Сиёсий партияларни молиялаштириш манбалари куйидагилардан иборат:
кириш ва аъзолик бадаллари, агар сиёсий партиянинг уставида бундай бадаллар тўлаш назарда тутилган бўлса;
конун хужжатларига мувофик тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар;
Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ушбу Конунга мувофик ажратиладиган маблаглар;
Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фукаролари томонидан ушбу Конунга мувофик бериладиган хайрия ёрдами.

4-модда. Сиёсий партияларни молиялаштиришнинг асосий принциплари

Конунийлик, очиклик, ошкоралик ва сиёсий партияларнинг тенг хукуклиги сиёсий партияларни молиялаштиришнинг асосий принциплариидир.

5-модда. Сиёсий партияларни молиялаштириш тўгрисидаги маълумотларнинг барча учун очиклиги

Сиёсий партияларни молиялаштириш тўгрисидаги маълумотларнинг мазкур партиялар аъзолари ва жамоатчилик учун очиклиги сиёсий партияларнинг ўзи томонидан таъминланади.

Сиёсий партиялар ўз фаолиятининг молиялаштирилиши хажми ва манбалари хакида ахборот эълон килиб туриши керак.

6-модда. Сиёсий партияларнинг молиявий ва бошка маблаглардан белгиланган максадда фойдаланиши

Сиёсий партиялар молиявий ва бошка маблаглардан конунда хамда уставларида назарда тутилган максадларда фойдаланади. Бу маблаглардан бошка максадларда фойдаланиш такикланади.

Сиёсий партияларнинг мол-мулки ва пул маблаглари сиёсий партия аъзолари ўртасида таксимланиши мумкин эмас.

Сиёсий партияларга, уларнинг муассасалари ва ташкилотларига банк муассасаларида биттадан ортиқ хисоб-китоб варагига, шунингдек чет эл банкларида хисобваракларга эга бўлиш такикланади.

II. СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИ ДАВЛАТ

ТОМОНИДАН МОЛИЯЛАШТИРИШ

7-модда. Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш
8-модда. Сиёсий партияларнинг Конунчилик палатасига ва давлат хокимиятининг бошка вакиллик органларига сайловда иштирок этишини давлат томонидан молиялаштириш
9-модда. Конунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияларининг фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш
10-модда. Давлат томонидан молиялаштириш манбаи ва уни ажратиш тартиби
11-модда. Сиёсий партияни давлат томонидан молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тугатиш

7-модда. Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш

Сиёсий партия, агар у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатасига (бундан буён матнда Конунчилик палатаси деб юритилади) сайлов якунлари бўйича "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси тўгрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий конунига мувофик Конунчилик палатасида сиёсий партия фракциясини тузиш учун зарур микдорда депутатлик ўринларини олган бўлса, ўзининг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблагларини олиш хукукига эга бўлади.

Сиёсий партияларнинг уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблагларининг йиллик хажми шу маблагларни ажратиш мўлжалланаётган йилдан олдинги йилнинг 1 январидаги холатга кўра белгиланган энг кам иш хакининг икки фоизини Конунчилик палатасига ўтказилган охирги сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган фукаролар сонига кўпайтмаси микдорида шакллантирилади.

Ушбу модданинг иккинчи кисмida кўрсатилган давлат маблагларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси белгилайдиган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Конунчилик палатасига охирги сайловнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан аникланган натижалари асосида бу маблагларни олиш хукукига эга бўлган сиёсий партиялар ўртасида уларнинг Конунчилик палатасида олган депутатлик ўринлари микдорига мутаносиб равишда таксимлайди.

8-модда. Сиёсий партияларнинг Конунчилик палатасига ва давлат хокимиятининг бошка вакиллик органларига сайловда иштирок этишини давлат томонидан молиялаштириш

Сиёсий партияларнинг Конунчилик палатасига ва давлат хокимиятининг бошка вакиллик органларига сайловда иштирок этишини молиялаштириш белгиланган тартибда факат ана шу максадлар учун ажратиладиган давлат маблаглари хисобидан амалга оширилади. Сиёсий партияларни сайловда бошка маблаглар

хисобидан молиялаштириш ва моддий жихатдан ўзгача тарзда кўллаб-кувватлаш такикланади.

Сиёсий партияларнинг Конунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблагларининг бир депутатликка номзод хисобига тўгри келадиган микдори Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Сиёсий партиянинг Конунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблаглари шу партиядан Конунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодлар рўйхатга олингандан кейин рўйхатга олинган номзодлар сонига мувофик хажмда сиёсий партиянинг хисоб-китоб варагига белгиланган тартибда ўтказилади.

Конунчилик палатасига сайловда сиёсий партияларнинг иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблаглари сиёсий партия томонидан:

сайловолди кўргазмали ташвикот воситаларини нашр килишга;

Конунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг телевидение, радио оркали ва бошка оммавий ахборот воситаларида чикишларини ташкил этишга;

Конунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга;

Конунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари ва бевосита сайлов округида сайловолди ташвикотини ўтказиш учун жалб килинадиган бошка фаоллар ишини ташкил этишга;

сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий тадбирларга сарфланиши керак.

Агар Конунчилик палатасига сайлов якунлари бўйича сиёсий партия фракция тузиш учун зарур микдорда депутатлик ўринларини ололмаган бўлса, сиёсий партиянинг Конунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблаглари мазкур партиянинг бошка манбалардан олган маблаглари хисобидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига кайтарилиши керак.

9-модда. Конунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияларининг фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш

Конунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияларининг фаолиятини ташкилий, техниковий жихатдан ва бошка тарзда таъминлаш учун ажратиладиган давлат маблаглари Конунчилик палатасининг харажатлар сметасида назарда тутилади.

10-модда. Давлат томонидан молиялаштириш манбаи ва уни ажратиш тартиби

Сиёсий партияларни давлат томонидан молиялаштириш манбаи Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблаглариидир.

Сиёсий партияларни молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблаглари сиёсий партияларнинг хисоб-китоб варакларига белгиланган тартибда ўтказилади.

Молия йили учун ажратилган, лекин шу йил мобайнида сиёсий партия томонидан фойдаланилмаган давлат маблаглари молия йили тугаганидан кейин бир ой ичидა Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига кайтарилиши керак.

Сиёсий партия давлат маблагларини олишдан воз кечишга хакли.

11-модда. Сиёсий партияни давлат томонидан молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тугатиш

Сиёсий партияни давлат томонидан молиялаштириш партия фаолияти тўхтатиб турилган ёки тугатилган тақдирда тўхтатиб турилади ёхуд тугатилади.

Сиёсий партия устав фаолиятини давлат томонидан молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тугатиш учун куйидагилар хам асос бўлиши мумкин:

конун хужжатларида белгиланган тартибда сиёсий партияning кайта ташкил этилганлиги (бошка сиёсий партияларга кўшиб юбориш ва кўшиб олиш бундан мустасно);

ушбу Конуннинг 16 ва 17-моддаларида назарда тутилган талабларнинг сиёсий партия томонидан бажарилмаганлиги;

сиёсий партия давлат маблагларидан белгиланмаган максадда фойдаланганлиги, шу жумладан уставда назарда тутилган фаолияти учун ажратилган маблаглардан сайловда иштирок этишни молиялаштириш учун фойдаланганлиги.

Сиёсий партия устав фаолиятини давлат томонидан молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўгрисидаги карор ушбу модданинг иккинчи кисмida назарда тутилган асосларга биноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан кабул килинади. Давлат томонидан молиялаштиришни тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўгрисидаги карор устидан сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят килиши мумкин.

Сиёсий партия кўшиб юбориш ёки кўшиб олиш шаклида кайта ташкил этилганда сиёсий партияning хукукий вориси давлат томонидан молиялаштирилиш хукукига эга бўлади.

III. СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ХАЙРИЯ ЁРДАМИ

12-модда. Сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фукароларидан хайрия ёрдами олиш хукуки

13-модда. Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан бериладиган хайрия ёрдами

14-модда. Ўзбекистон Республикаси фукаролари

томонидан бериладиган хайрия ёрдами

15-модда. Сиёсий партияларга хайрия ёрдами беришдаги чеклашлар

**12-модда. Сиёсий партияларнинг Ўзбекистон Республикаси
юридик шахслари ва фукароларидан хайрия ёрдами олиш хукуки**

Сиёсий партия хайрия ёрдамини факат Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари (чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар бундан мустасно) ва фукароларидан пул шаклида хамда мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш тарзида ва факат уставда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун олиш хукукига эга.

Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фукаролари томонидан хайрия ёрдами бериш ихтиёрий равишда ва уларнинг факат ўз маблагларидан амалга оширилади, ушбу Конунг 15-моддасининг биринчи ва иккинчи кисмларида кўрсатилган манбалардан олинадиган маблаглар бундан мустасно.

Ушбу Конуннинг 15-моддасида назарда тутилган чеклашлар Ўзбекистон Республикаси фукаролари чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ходимлари сифатида оладиган иш хакига татбик этилмайди.

Сиёсий партия хайрия ёрдамини кабул килишни рад этишга хакли.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан бериладиган хайрия ёрдами

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикасининг бир юридик шахсидан бир йил мобайнида олган хайрия ёрдами суммаси хайрия ёрдами берилган йилнинг 1 январидаги холатга кўра белгиланган энг кам иш хакининг беш минг бараваридан ошмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахси сиёсий партияга пул маблаглари шаклидаги хайрия ёрдамини беришда уни сиёсий партиянинг хисоб-китоб варагига юридик шахслар учун нақд пулсиз хисоб-китоблар коидаларида назарда тутилган реквизитларни кўрсатган холда ўтказади ва тўлов топширикномасида ушбу Конуннинг 15-моддасида назарда тутилган хайрия ёрдами беришга чеклашлар йўклиги хакида белги кўяди.

Хайрия ёрдами, агар у ушбу модданинг биринчи кисмида кўрсатилган суммадан ортикрок бўлса, олинган кундан эътиборан бир ой ичida сиёсий партия хайрия ёрдами берувчига уни кайтариши, кайтариш имконияти бўлмаган тақдирда эса, давлат даромадига ўтказиши лозим.

14-модда. Ўзбекистон Республикаси фукаролари томонидан бериладиган хайрия ёрдами

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикасининг бир фукаросидан бир йил мобайнида олган хайрия ёрдами суммаси хайрия ёрдами берилган йилнинг 1 январидаги холатга кўра белгиланган энг кам иш хакининг беш юз бараваридан ошмаслиги лозим. Ушбу чеклаш сиёсий партия аъзолари партия уставига асосан тўлайдиган аъзолик бадалларига татбик этилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг фукароси сиёсий партияга пул маблаглари шаклидаги хайрия ёрдамини беришда уни сиёсий партиянинг хисоб-китоб варагига шахсан, паспорти ёки унинг ўрнини босувчи хужжатни тақдим этган хамда тўлов топширикномасида ёхуд пул жўнатмасида фамилияси, исми, отасининг исми ва паспортига оид маълумотларни кўрсатган холда ўз маблагларидан ўтказади.

Хайрия ёрдами, агар у ушбу модданинг биринчи кисмида кўрсатилган суммадан ортикрок бўлса, олинган кундан эътиборан бир ой ичida сиёсий партия хайрия

ёрдами берувчига уни кайтариши, кайтариш имконияти бўлмаган тақдирда эса, давлат даромадига ўтказиши лозим.

15-модда. Сиёсий партияларга хайрия ёрдами беришдаги чеклашлар

Сиёсий партияларга пул маблаглари шаклидаги, мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш тарикасидаги (шу жумладан грантлар ажратиш, техник ёрдам кўрсатиш, сафарлар билан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси худудида ва ундан ташкарида ўтказиладиган тренинглар, семинарлар, конференциялар билан бўглик харажатларга хак тўлаш оркали) хайрия ёрдами куйидагилар томонидан берилишига йўл кўйилмайди:

- чет давлатлар;
- чет давлатларнинг юридик шахслари, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари;
- халкаро ташкилотлар, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари;
- чет эл инвестициялари иштироқидаги корхоналар;
- чет эл фукаролари;
- фукаролиги бўлмаган шахслар.

Фукароларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари, диний ташкилотлар ва номи яширилган ёки факат таҳаллуси кўрсатилган шахслар томонидан сиёсий партияларга пул маблаглари шаклида, мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш тарзида хайрия ёрдами берилишига хам йўл кўйилмайди.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи кисмларида кўрсатилган хайрия ёрдами олинган кундан эътиборан бир ой ичida хайрия ёрдами берувчига кайтарилиши, кайтариш имконияти бўлмаган тақдирда эса, давлат даромадига ўтказилиши лозим.

IV. МОЛИЯВИЙ ВА БОШКА МАБЛАГЛАРНИНГ КЕЛИБ ТУШИШИ ХАМДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ УЛАРДАН БЕЛГИЛАНГАН МАКСАДДА ФОЙДАЛАНИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ

16-модда. Сиёсий партияларнинг молиявий хисобдорлиги

17-модда. Сиёсий партияларнинг молиялаштириш

манбалари тўгрисидаги хисботлари

18-модда. Молиявий ва бошка маблагларнинг келиб тушиши

хамда сиёсий партиялар томонидан сарфланиши устидан назорат

16-модда. Сиёсий партияларнинг молиявий хисобдорлиги

Сиёсий партиялар конун хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда молиявий хамда бухгалтерия хисобдорлигини амалга оширади.

Сиёсий партия хар йили конун хужжатларида белгиланган муддатларда хамда тартибда молия органларига, давлат солик хизмати органларига, Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатаси ва Адлия вазирлигига хисбот даврида олинган хамда

сарфланган молиявий ва бошка маблаглар тўгрисида молиявий хисобот тақдим этиши шарт.

Сиёсий партиянинг молиявий хисоботида сиёсий партиянинг хисоб-китоб варагига хисобот даврида келиб тушган маблагларнинг манбалари ва микдорлари тўгрисидаги, шу маблагларнинг сарфланиши хакидаги, сиёсий партиянинг киймати хам кўрсатилган мол-мулки тўгрисидаги, шунингдек мазкур партиянинг давлат рўйхатидан ўтганлиги хакидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ва фукароларидан хайрия ёрдами пул маблагларидан бошка шаклда олинган тақдирда, сиёсий партия уни Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофик пул ифодасида баҳолайди ва тегишли маълумотларни, шу жумладан хайрия ёрдами берувчи хакидаги маълумотларни сиёсий партиянинг молиявий хисоботига киритади.

Сиёсий партиянинг молиявий хисоботида давлат маблагларининг келиб тушиши ва сарфланиши алоҳида кисмда назарда тутилади. Бунда сиёсий партия томонидан Конунчилик палатасига сайловда иштирок этиш учун сарфланган маблаглар алоҳида хисобга олинади.

17-модда. Сиёсий партияларнинг молиялаштириш манбалари тўгрисидаги хисботлари

Сиёсий партиялар хар йили барчанинг эътибори учун ўз бюджетларини эълон килади ва ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари тўгрисида Конунчилик палатасига ёки у ваколат берган органга белгиланган тартибда хисобот тақдим этади.

Сиёсий партиянинг хисоботига унинг Конунчилик палатасига сайловда иштирок этишини ва уставда назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун хисобот йилида партиянинг хисоб-китоб варагига келиб тушган хамда сарфланган давлат маблаглари тўгрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Хисоб палатаси ва Адлия вазирлигининг хулосаси илова килинади.

Сиёсий партиянинг молиялаштириш манбалари тўгрисидаги хисботи оммавий ахборот воситалари ва манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари таклиф этилган холда кўриб чикилади.

18-модда. Молиявий ва бошка маблагларнинг келиб тушиши хамда сиёсий партиялар томонидан сарфланиши устидан назорат

Молиявий ва бошка маблагларнинг келиб тушиши хамда сиёсий партияларнинг улардан белгиланган максадда фойдаланиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатаси амалга оширади.

Молиявий ва бошка маблагларнинг келиб тушишини хамда сиёсий партияларнинг улардан белгиланган максадда фойдаланишини текшириш Конунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида ўндан бир кисмидан иборат депутатлар гурухининг мурожаатига биноан Конунчилик палатаси томонидан хам амалга оширилиши мумкин.

V. ЯКУНЛОВЧИ КОИДАЛАР

19-модда. Сиёсий партияларни молиялаштириш масалалари юзасидан давлат органларининг карорлари ва улар мансабдор шахсларининг харакатлари (харакатсизлиги) устидан шикоят килиш

20-модда. Низоларни хал килиш

21-модда. Сиёсий партияларни молиялаштириш тўгрисидаги конун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

**19-модда. Сиёсий партияларни молиялаштириш масалалари
юзасидан давлат органларининг карорлари ва улар мансабдор
шахсларининг харакатлари (харакатсизлиги) устидан шикоят килиш**

Сиёсий партия ўз фаолиятининг молиялаштирилиши масалалари юзасидан тегишли давлат органларининг карорлари ва улар мансабдор шахсларининг харакатлари (харакатсизлиги) устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят килиши мумкин.

20-модда. Низоларни хал килиш

Сиёсий партияларни молиялаштириш соҳасидаги низолар конун хужжатларида белгиланган тартибда хал килинади.

**21-модда. Сиёсий партияларни молиялаштириш тўгрисидаги
конун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Сиёсий партияларни молиялаштириш тўгрисидаги конун хужжатларини бузганлиқда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. Каримов

"Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари тўплами", 2004 йил, 21-сон, 248-модда.